O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 28 июнь, № 125 (4278) Пайшанба


## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Сиз, азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар ҳақида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, ҳаёт ўзгариши, дарду ташвишларини чуқур кузатадиган ва ўз қалбидан ўтказадиган, кенг дунёқараш эгаси бўлган, турли касб-ҳунар ва мутахассисликни ўзида мужассамлаштирган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.*

*Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини нишонлар эканмиз, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйиб, журналистика соҳаси тараққиёти йўлида қанча-қанча азоб-уқубатлар, синов ва тазйиқларни бошидан кечирган, халқаро майдонда обрў-эътибор қозонган ўзбек журналистика мактабининг фидойилари номларини миннатдорлик билан эслаймиз ва ҳозирги вақтда сафимизда меҳнат қилиб келаётганларни юксак қадрлаймиз.*

*Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда.*

*Авваламбор, сўз эркинлиги, плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигига, одамларнинг ўз фикрини эркин баён қилишга имкон яратиш ва бу йўлдаги барча ғовларни олиб ташлаш, бугун чидаб бўлмайдиган эскича қараш ва қолдиқлардан бутунлай воз кечиш масалаларини нафақат қонунларимиз, балки амалий ҳаётимизда ҳам татбиқ этиш — буларнинг барчаси долзарб вазифаларимиздан бири десам, ўйлайманки, барчангиз бунга қўшиласиз.*

*Жаҳон миқёсида воқеалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан, Интернетнинг беқиёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр бўлиш матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан, телевидение ва радио соҳаларида хизмат қилишга ўзини бағишлаган, етук мутахассис бўлишга аҳд қилган ва бу соҳада ўз келажагини кўрмоқчи бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз сўзсиз яхши англаймиз.*

*Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда.*

*Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи галда, матбуот ва матбаа тармоқларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жиҳозлаш йўлида сезиларли натижаларга эришмоқдамиз. Бунинг тасдиғини нафақат кўпгина марказий нашрлар, айни вақтда вилоят ва туманлардаги газета-журналларнинг сифати ва замонавий кўринишларига қараб ҳам сезиш қийин эмас.*

*Бир сўз билан айтганда, муштарийлар қўлига етиб бораётган юзлаб номдаги газета ва журналлар наинки ўзининг маъно-мазмуни ва кўриниши, балки сифати билан ҳам ажралиб туриши қувончлидир.*

*Айни пайтда жамиятимизни янада демократлаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш зарурати матбуот ва матбаа тармоқлари моддий базасини мустаҳкамлаш, бу соҳада хизмат қилаётганларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, газета ва журналлар таҳририятлари эркинлиги ва мустақиллигини, шу билан бирга, масъулиятини оширишни ҳам тақозо этади.*

*Ўйлайманки, нафақат давлатимиз ва жамоатчилигимиз, балки нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг эътиборини ҳам шу масалага қаратиш ҳар томонлама ўринли бўлур эди. Бу борада ўзимизда ва тараққий этган давлатларда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш, ўзини оқлаган ютуқларни жорий этиш оммавий ахборот воситаларини ислоҳ қилиш йўлидаги муҳим аҳамиятга молик вазифадир.*

*Сизларни бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий муваффақиятлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



## БАЙРАМ ШУКУҲИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланади.

Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида ўтган тадбир мазкур санага бағишланди. Унда турли вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, фахрий журналистлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш ва демократиялаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни халқимизга тезкор, холис, ҳаққоний тарзда етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти ғоят катта эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, унинг эркин, ошкора ва самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари даражасида шароит яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, касбий малакасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Олий журналистика курсида журналист кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

**Тадбир**

Бугунги шиддат билан ўзгараётган, турли мафкуравий ва ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган мураккаб давр журналистлардан янада фаол, теран тафаккур соҳиби бўлишни, Ватанимизнинг, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячисига айланишни талаб этаётир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" кўрик-танловининг натижалари эълон қилинди. Ғолибларга совринлар топширилди.

Анжуманда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида самарали фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ журналистларга Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг махсус мукофотлари топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

***27 июнь куни парламент юқори палатасининг қўмиталарида Сенатнинг бўлажак ўнинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритиш мўлжалланаётган масалаларга бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.***

Қўмиталарнинг мажлислари «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини батафсил муҳокама қилишдан бошланди.

Муҳокама жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йил 8 августда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонларига мувофиқ тайёрланган мазкур қонунлар жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини босқичма-босқич либераллаштириш ишида, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим босқич эканлигини таъкидладилар. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мустақил Ўзбекистоннинг инсонпарварлик принципларига содиқ эканлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай риоя қилинаётганлигининг яна бир тасдиғидир.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бошқа қонунларни ҳам муҳокама қилдилар. Булар орасида «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор. Хусусан, сенаторлар Қонунда тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техникавий воситаларини, шунингдек, уларни ишлатиш соҳасидаги хизматларни солиққа солишнинг ҳамма турларидан озод қилиш назарда тутилаётганлигига эътиборни қаратдилар. Шундан кейин улар «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Мазкур Қонун қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш учун шароит яратиш, унинг очиқ-ошкоралигини ва барқарор ишлашини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини кучайтириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилгандир. Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан уюштирилган «Йилнинг энг фаол журналисти-2006» танлови ғолиблари

**Орифжон АҲМЕДОВ,** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон"телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири — "Бир асар тарихи" маънавий-маърифий ва бадиий мавзудаги туркум кўрсатувлари учун

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,** "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири — жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кенг ва чуқур ёритгани учун



**Ирина КОЧЕРГИНА,** "Туркистон" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири ўринбосари — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга ва ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалари учун

**Зебиниса МИРЗАҲАКИМОВА,** "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти катта муҳаррири — мустақиллик мавзуидаги ва таълим йўналишидаги туркум адабиётларни яратишдаги хизматлари учун

**Михли САФАРОВ,** "Халқ сўзи" газетаси шарҳловчиси — маънавият ва маърифат мавзуларидаги мақолалари туркуми учун

**Бахтиёр ТЎРАХОНОВ,** Ўзбекистон нодавлат телерадиокомпаниялари телетармоғининг "Ҳудуд" ахборот- таҳлилий дастури муҳаррири — халқаро мавзудаги кўрсатувлари учун

(Давоми 2-бетда).

## ЭЗГУЛИК КОШОНАСИНИНГ ЯНГИ ҲАЁТИ

***Театр, саҳна санъати ҳамиша эзгулик, олижаноблик, инсоний комиллик элчиси бўлиб келган. Шу боисдан, биз театр даргоҳларига ва санъаткорларга катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараб келамиз.***

***Жаҳолат ботқоғига ботганлар қаттиқ адашдилар, улар илдизи мустаҳкам, тарихи минг йилларга уланган миллий қадриятлар қўрғонига тош отдилар.***

Аммо жаҳолат, ёмонлик муродига етмади. Аксинча, меъморчиликнинг миллий анъаналари ва замонавий ечимлари уйғунлигида қайта таъмирланган санъат қасри Андижон шаҳри қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Аввал театр майдони йўқ эди, эшикдан чиқибоқ катта йўлга дуч келинарди. Энди бу кўча беркитилиб, шинам ва кўркам, ажойиб ям-яшил хиёбон ташкил этилди. Хиёбондаги гуллар ва дарахтлар оралиғига дам олиш ўриндиқлари қўйилди.

**Ифтихор**

Бино ичи ҳам тубдан ўзгартирилди. Деворлардаги рангин жилолар, нақшлар, мўйқалам усталарининг ранго-ранг чизмалари томошабинни лол қолдиради. Яна бир қулайлик шуки, илгари сўнгги қаторлардаги одамлар саҳнани яхши кўролмай қийналишарди. Ҳозир юмшоқ ўриндиқда чўкиб ўтирсангиз ҳам саҳнадаги томоша кафтингизда тургандай кўз ўнгингизда намоёнлашади.

Мамлакатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи чоғида мана шу янги, кўркам маданият кошонасига ҳам ташриф буюрди, театр ижодий жамоаси билан мулоқотда бўлди.

— Вилоят театри шундай муҳташам бинога эгалиги ушбу заминда маънавият илдизлари мустаҳкамлигидан далолатдир, — деди Президентимиз. — Театр санъаткорлари бугунги буюк ўзгартиришларни, тарихимиз ва ёруғ келажагимизни тараннум этиб, халқимиз, айниқса ёшларимиз маънавий камолотига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

— Очиғи, биз театримизнинг янги тикланган ҳашаматли биносига Юртбошимиз ташриф буюрганидан бошимиз осмонга етди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Ҳошимжон Олимжонов. — Бу нафақат ижодий жамоамиз, айни чоғда бутун санъатимизга, маданиятимизга, маънавиятимизга нисбатан юксак эҳтиром рамзидир.

Андижон театри мустақил Ўзбекистон миллий театр тарихи солномасининг нодир саҳифасидир. Бу гўша миллий-маънавий қадриятларимизнинг тамал тоши қўйилган табаррук кошоналардан биридир.

— Актёр учун барча қулайликлар яратилган мана шундай маданият масканида шунчаки роль ижро этиш гуноҳ, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли режиссёр Ҳабибулло Юнусов. — Мен бу кунни

(Давоми 6-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўнинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

## ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, шунингдек, судьялар, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада эришилаётган ютуқларимизнинг туб моҳияти Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имкониятларни, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдир.

Бош Қомусимизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Бу тамойиллар ҳаётимизда тобора кенг акс этиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани бунинг амалий тасдиғидир.

Умумюрисдикция судлари томонидан "Судлар тўғрисида"ги Қонунда белгиланган вазифалар билан бирга, ушбу соҳага тааллуқли қонунлар устуворлигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соғлиққа қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш ва суд амалиётида юзага келаётган айрим муаммоларни ҳал этиш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Пленум кун тартибига киритилган "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси муҳокамасида айни шу масалаларга эътибор қаратилди.

2006 йилда жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан кўрилган соғлиққа қарши жиноятлар билан боғлиқ 560 жиноят иши ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилганда умумий судланганларнинг 9,7 фоизи соғлиққа қарши жиноятлар учун судланганларни ташкил этгани маълум бўлди. Мазкур тоифадаги ишлар судлар томонидан асосан тўғри ҳал қилинган.

Бироқ, айрим ҳолларда бундай қилмишни квалификация қилиш, қонун меъёрларини татбиқ этиш чоғида баъзи тушунмовчиликлар келиб чиқаётгани сабабли хато ва камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Шу сабабли Олий суд ишчи гуруҳи томонидан ушбу пленум қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, олимлар, амалиётчилар ва тегишли давлат органларига юборилди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари олиниб, пленум қарори лойиҳасига киритилди.

Мажлисда мазкур масала Олий суд тарихида илк бор пленум мажлиси муҳокамасига киритилганига эътибор қаратилиб, унинг долзарблиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу масала бўйича судларга зарур тушунтиришлар берилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йил юзасидан ҳисоботи тўғрисидаги масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мажлисида «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниши, мажлисда таъкидланганидек, мамлакат суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ҳамда ислоҳ қилиш билан боғлиқ асосий вазифалардан бири Ўзбекистонда изчил бажарилаётганлигининг асосий ва салмоқли далилидир.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари жамланган мажлисда «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама қилинди. Сенаторлар таъсис этилаётган медалнинг Ўзбекистон фуқароларини Ватанга ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта маънавий-ахлоқий аҳамиятига алоҳида урғу бердилар.

Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлиси кун тартибидан жой оладиган қонунлар ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан бир қаторда парламент юқори палатасининг аъзолари қўмиталар мажлисларида жорий йилнинг ўтган давридаги ўз фаолиятлари якунларини таҳлил қилдилар, ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

## Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси олдидан

***Судлар фаолиятини ташкилий ва моддий-техник таъминлашни такомиллаштириш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим қисмларидан биридир. Парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига қўйилаётган қонунлардан бири ҳам айнан шу мақсадда ишлаб чиқилган. Бу — “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Бу ҳужжат суд соҳасида кадрлар билан ишлашни яхшилаш, аниқроғи, судьяларнинг малакасини юксалтириш масалалари, шунингдек, судларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Мухбиримиз Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабовадан ана шулар ва сенаторлар муҳокамасига қўйилган бошқа қонунлар юзасидан гапириб беришини илтимос қилди.***



# ҚОНУНЛАР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

— Қонуннинг асосий мақсади суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тавсия этишнинг демократик тамойилларини мустаҳкамлаш ва судьялар корпуси барқарорлигини таъминлашдан иборат, — **дейди қўмита раиси.** — Мазкур Қонуннинг 11-моддасига киритилаётган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясини шакллантириш тартибини аниқлаштиради, Комиссиянинг миқдор таркибини, Комиссия аъзоларининг ваколат муддатларини, шунингдек, уларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш тартибини белгилаб беради. Комиссия фаолиятининг ваколатлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби мазкур Комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган низоми билан белгиланиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, умумий юрисдиксия судларининг фаолиятини моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан, хўжалик судларининг фаолиятини таъминлаш эса Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Махсус ваколатли орган тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қонуннинг 74-моддасига киритилаётган ўзгартишлар эса хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъатини сайлаш тартибини ўзгартирмоқда. Бинобарин, бу ваколат Олий хўжалик суди Пленуми зиммасидан олиниб, хўжалик судлари судьяларининг конференциясига берилмоқда. Қолаверса, мазкур Қонун билан ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга шундай ўзгартиш киритилмоқдаки, бу ўзгартиш лавозим бўйича Ҳарбий ҳайъат раиси ҳисобланадиган Олий суд раиси ўринбосарининг шу йўналишдаги мақоми аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, мазкур Қонун билан Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомнинг 2-моддасига киритилаётган ўзгартишлар Судьялар олий малака ҳайъати раисини, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати раисини сайлаш тартибини аниқлаштирмоқда.

VII бўлимга киритилаётган ўзгартишлар судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан судьялик лавозимларига тавсия этиш учун номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш тартибини, шунингдек судьяликка номзодлар захирасига киритиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш, бундай рад этиш устидан шикоят бериш, судьяликка номзодлар захирасида турган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқитиш тартибини янада муфассалроқ очиб беради. Булардан ташқари, ўзгартишларда судьялар лавозимига номзодлар захирасида турган шахслар судьялик лавозими бўшаб қолганлиги ҳақида судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан хабардор қилиниши, мазкур шахслар малака имтиҳонини топшириши, уларга тааллуқли материаллар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилишига доир масалалар қамраб олинган.

**— Мавжуда Абдуллаевна, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганига кўп бўлгани йўқ. Жойларда қонун билан мувофиқлаштирилган янги тизим иш бошлади. Демак, янги Қонуннинг ишга тушиши, ҳаракатдаги қатор ҳуқуқий ҳужжатларга алоҳида ўзгартишлар киритишни талаб қилади. Шундай эмасми?**

— Шундай. Қўмитамиз ялпи мажлисга “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ҳам кириб келмоқда. Бу янги Қонуннинг асосий мақсади “Давлат божи тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ҳамда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва Хўжалик процессуал кодекси қоидаларини “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари билан мувофиқлаштириш, қолаверса, мазкур қонун ҳужжатларини ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги билан боғлиқ масалаларни судлар томонидан кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги нормалар билан тўлдиришдан иборатдир.

Хусусан, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Давлат божи ундириладиган объектлар” деб номланган 2-моддаси ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан давлат божи ундириш ҳақидаги қоида билан тўлдирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг “Давлат божи” деб номланган 104-моддасига ҳам шундай қўшимчалар киритилмоқда. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 36-моддасининг, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5, 7 ва 27-моддаларининг, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 10-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 25, 52, 86, 88 ва 117-моддаларининг ўзбек тилидаги матнларига киритилаётган ўзгартишлар эса эскириб қолган атамани (“холислик суди” деган сўзларни) янги атама (“ҳакамлик суди” деган сўзлар) билан алмаштиришни назарда тутади.

“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ҳам қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

Мазкур ўзгартишлардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси уч боб ва ўн уч моддадан иборат “Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш”, жумладан, судларнинг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш ва шу судларнинг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисида аризалар бўйича ишларни кўриб чиқиш тартиби 5-кичик бўлимда ўз аксини топмоқда. Айнан шунга ўхшаш меъёрлар Хўжалик процессуал кодексига ҳам киритилмоқда. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тўла-тўкис ва бир маромда ишлашини таъминлайди.

**Э. БОЛИЕВ ёзиб олди.**

# ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

***Ўлим жазосини бекор қилиш мустақил Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ва собитқадам ҳаракатнинг навбатдаги босқичи бўлди. Ислоҳотлар жараёнида шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ғояси сингдирилган демократик ҳуқуқий муносабатлар тизими шаклланиб бормоқда.***

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мазкур масала босқичма-босқич равишда ҳал этиб келинмоқда. Бинобарин, ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноят турларини чеклаш яққол кузатилди. Ўтган давр мобайнида Жиноят кодексининг ўлим жазоси назарда тутилган моддалари сони собиқ иттифоқ давридаги 33 тадан иккитагача камайтирилди, 2008 йилдан эса мазкур жазо турини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳузуридаги Франция делегацияси маслаҳатчиси Ф. Де Тушенинг фикрича, “Ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги қарор оқилона қадамдир. Ўзбекистон мураккаб, лекин зарурий масалани ҳал этишга киришган. Жазонинг олий чорасини мораторий қўлламасдан тўлалигича бекор қилиш — Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масалаларига қатъият билан ёндошилганлигидан далолатдир”.

Инсоннинг ажралмас бўлган яшаш ҳуқуқи аксарият халқаро шартномаларда қайд этилган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эътироф этилганидек, “Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир”. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қайд этилганидек, “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди”.

Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган: “...инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” (13-модда), шунингдек, “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир” (24-модда). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида жиноий жазолар тизимидан ўлим жазосини чиқариш суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, инсоннинг яшаш ҳуқуқини мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидаларига асосланган ҳолда 2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди. Унга кўра жиноий жазонинг ушбу чораси 2008 йил 1 январдан эътиборан бекор қилинади.

Мазкур Фармонга мувофиқ ўлим жазосини бекор қилишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишига мувофиқ Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги мутахассислари, шунингдек, илмий тадқиқот ва таълим муассасалари экспертлари ҳамда олимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўнинчи ялпи мажлиси тасдиғига тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунида ўз аксини топди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунни ишлаб чиқишда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ҳар томонлама ўрганилди ва инобатга олинди. Шунингдек, бир қатор Европа (Франция, Германия, Австрия, Польша, Голландия ва бошқалар), Осиё (Япония, Корея, Хитой Халқ Республикаси ва бошқалар) ҳамда МДҲга аъзо мамлакатлар (Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Молдова ва бошқалар)нинг қонунчилиги ва тажрибаси ўрганилди.

Мазкур қонун мазмунига кўра, ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариш ва уни умрбод ҳамда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштириш, уларни тайинлаш ҳамда ижро этиш тартиби ва шартларини белгилаш мақсадида Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади. Жиноят кодексидан ўлим жазоси чиқариб ташланди ва умрбод ҳамда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосининг чегараси ўрнатилди. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланиши белгиланди.

Жаҳон амалиётида жиноий жазолар тизимида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан турлича ёндашувлар шаклланган. Айрим мамлакатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси мустақил жазо тури сифатида белгиланган бўлса, бошқа мамлакатларда унга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кўриниши сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жиноий жазонинг мустақил тури сифатида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (иккинчи қисм 97-модда) ва терроризм (учинчи қисм 155-модда) учунгина тайинланиши мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибдики, умрбод озодликдан маҳрум қилиш юқорида кўрсатилган ўта оғир жиноятлардан ташқари, агрессия, геноцид, давлат хавфсизлигига қарши жиноят, жосуслик, исён, зўрлаш, мулкни ёқиб юбориш, талончилик ва ҳоказо каби жиноятларни содир этганларга нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, бундай жазо Россия Федерациясида 6, Германияда 7, Японияда 9, Данияда 10, Бельгияда 11, Швецияда 13, Беларусда 14, Озарбойжонда 16, Қозоғистонда 17, Францияда 18, Кореяда 19, Молдовада 24 ва ХХРда 64 турдаги жиноятлар учун қўлланилади. Шу ўринда Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг қай даражада либераллигини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Қонунда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкумга нисбатан авф этишни қўллаш ёки қўлламаслик хусусиятлари белгиланган. Бу умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўйича 1995 йилдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларининг асосий тамойилларига тўла мос келади. “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги Қонунга мувофиқ авф этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум этилган шахс томонидан амалда йигирма беш йил, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар учун эса жазонинг йигирма йилини ўтаб бўлганидан сўнг берилиши мумкин. Башарти, жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган бўлса — умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс томонидан тайинланган жазонинг йигирма йилини, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс эса ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Қонуннинг ушбу нормалари бир томондан маҳкумни асоссиз равишда жазодан озод қилинишини олдини олса, иккинчи томондан маҳкумни ахлоқан тузалиш йўлига ўтишга ундайди ва шахсда озодликка чиқиш учун умид уйғотади. Шу билан бир қаторда, умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қонунга биноан қўлланилмаслигини таъкидлаш жоиз.

Мазкур қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51 ва 473-моддаларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини, шунингдек судьяга умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсга авф этишни сўраб илтимоснома киритиш ҳуқуқини тушунтириш мажбуриятини юклаш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг тегишли моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўлим жазоси кўринишида жазони ижро этиш талабларини назарда тутадиган меъёрларни инкор этиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилишнинг озодликдан маҳрум қилишга алмаштирилганида жазони ижро этиш хусусиятлари билан боғлиқ. Жиноят-ижроия кодексининг V бўлими янги таҳрирда баён этилган бўлиб, унда умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш тартиби ва шартлари белгиланган. Қонунда умрбод озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг махсус шароитларда сақланадиган алоҳида режимдаги колонияларда сақланиши, жазони кучайтирилган (дастлабки ўн йил), одатдаги жазони (ўн йилдан кам бўлмаган муддатини ўтаб бўлганидан сўнг) ва енгиллаштирилган шароитда ўташини кўзда тутади.

Қонунга мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар камераларга кўпи билан икки кишидан жойлаштириладилар. Маҳкумларнинг илтимосига кўра ёки зарурат тақозо этганда улар бир кишилик камераларда сақланишлари ҳам мумкин. Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бир нафар маҳкумга тўғри келадиган турар жой майдонининг нормаси тўрт квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Ушбу қонуннинг умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш шароити ва тартиби билан боғлиқ тартиби БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш бўйича Конгресси Женевада 1955 йилда қабул қилган ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш маъқуллаган Маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг минимал андозавий қоидалари талабларига тўла мос келади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши кўплаб хорижий давлатлар олим ва мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан, Россия Стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази президенти Виталий Наумкиннинг қайд этишича: “Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши собиқ иттифоқ ҳудудидаги муҳим ҳодиса бўлди. Ўлим жазосидан воз кечилганлиги мамлакатнинг халқаро Европа стандартлари сари бораётганлигидан далолат беради, айнан Европа, чунки АҚШда ўлим жазоси мавжуд. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ўз моҳиятига кўра қонун ва ҳуқуқ-тартибот тантанаси йўлида қўйилган муҳим қадамдир”.

“Европа — Берлин дўстлик жамияти” раиси В.Фурманнинг фикрича, у Ўзбекистонда жумладан, суд-ҳуқуқ ва маъмурий тизимларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди. Ушбу янгиланишлар келгусида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Жиноят содир этган шахс албатта қонун олдида жавоб бериши шарт ва бу борада лоқайдлик ярамайди. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимининг самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи ва жамият ривожи жазонинг оғирлиги билан эмас, балки муқаррарлиги билан белгиланади.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган демократик ҳуқуқий давлат қуриш сиёсатининг ёрқин ифодасидир.

**Умид МУҲАМЕДОВ,**
**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари.**

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан уюштирилган «Йилнинг энг фаол журналисти-2006» танлови ғолиблари

(Давоми. Боши 1-бетда).

***Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:***

**Шоҳида АБДУАЛИМОВА,** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали “Ахборот” муҳарририяти шарҳловчиси

**Собир ДАДАХЎЖАЕВ,** (Фарғона вилояти) — “Водил ёғдуси” газетаси муҳаррири

**Муаззамхон ИБРАГИМОВА,** (Андижон вилояти) — “Дийдор” нодавлат FM радиостанцияси муҳаррири

**Дилором ИКРОМОВА,** — “Тошкент оқшоми” газетаси маънавият-маърифат бўлими мудири

**Шухрат МИРФАЯЗОВ,** — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи рассоми

**Аребжан МУХАМЕДЖАНОВ,** — "Садо" газетаси бош муҳаррири

**Норали ОЧИЛОВ,** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти таҳририятининг бош муҳаррири

**Салима УМАРОВА,** (Навоий вилояти) — “Дўстлик байроғи” газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Акбар УСМОНОВ,** (Самарқанд вилояти) — фахрий журналист, “Овози тожик” газетасининг жамоатчи мухбири

**Беҳзод ҲОЖИМАТОВ,** — UZ Report.com Интернет портали мухбири

**Усмон ҚЎЧҚОРОВ,** — “Маънавият” нашриёти бош муҳаррири



# ЁШ ОИЛАЛАРГА – ИМТИЁЗЛАР

*«Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга...»*

**(Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан).**

Мамлакатимизда ҳар бир оиланинг фаровон ва осойишта яшашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

**Солиқ**

— Бу ҳужжатнинг ҳар бир бандини ўқиган киши ҳаётимиз давомийлигини таъминловчи ёш оилаларга ниҳоятда катта имтиёз ва қулайликлар яратилганлигига ишонч ҳосил қилади, — дейди биз билан суҳбатда Сергели тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Абдумалик Қаҳрамонов. — Хусусан, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик фаолияти билан шуғулланиш, қорамол, уй-жой сотиб олиш, таъмирлаш ҳамда ҳаётий зарурат учун уй-жой жиҳозлари харид қилишлари учун имтиёзли, узоқ муддатли микрокредит ва ипотека кредитлари ажратиш кўзда тутилган. Айни шу мақсадларга 2007 йилда 50 миллиард сўм маблағ ажратиш белгиланган. Ушбу имтиёзлардан мамлакатимизда истиқомат қилувчи 30 ёшдан ошмаган, расмий равишда биринчи марта никоҳдан ўтган ҳар бир ёш оила фойдалана олади.



Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ёш оилалар учун солиқлар бўйича ҳам бир қатор имтиёзлар берилган. Айтайлик, ёш оила аъзолари муқим иш жойидаги ойлик маошларини олинган кредит ёки улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирган бўлсалар, улардан даромад солиғи олинмайди. Агар иш берувчи ўз ходимига уй-жой сотиб олиб бергудек бўлса, ушбу маблағ жисмоний шахслар даромад солиғига тортилмайди. Аммо сотиб олинган мол-мулк ва уй-жой беш йил ичида сотилса, жисмоний шахс белгиланган тартиб асосида даромад солиғи тўлайди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотлар томонидан ёш оилалар тоифасига кирувчи ўз ходимларига олинган ипотека кредитлари бадалларини тўлаш ва уй-жой сотиб олиш учун текинга берилган маблағлар шу суммага тенг ҳажмда, лекин даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда камайтирилади.

Кўриниб турибдики, ҳукуматимиз томонидан ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ва фаровон турмуш кечиришлари учун ниҳоятда катта имтиёзлар яратиб берилмоқда. Ўйлаймизки, бу имтиёзлар ёшларимизнинг келгусидаги ҳаётини тиклашларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Усмон УСМОНОВ.** t

***Бахмал туманининг тоғли Жум-жум қишлоғига етиб борганимизда сал нарида ҳали қорлар эриб битмаганлиги бизни ҳайратга солди. Кўз олдимиздаги ям-яшил манзара, бўлиқ ўт-ўланлар бошқа йиллардаги апрель ойи манзарасини ёдга солади. Кўриб кўзингиз яшнайди. Қандай гўзал, хушҳаво гўшалар бор юртимизда.***

***Узоқ йиллар шофёрлик касбини улуғлаб келган Тошпўлат ака меҳмонларни ўзгача мамнуният билан кутиб олди. Уйига туташиб кетган боғ ичидаги серсоя ерга жой солдирди. Бирма-бир ҳол-аҳвол сўрашдик. Илк эшитган хабаримиз хосиятли чиқди: шу кеча Тошпўлат ака набирали бўлибдилар. Умри билан берган бўлсин, қизалоқ хонадонга бахт-иқбол келтирсин, дея ният қилдик.***

# БАХМАЛНИНГ БУҒДОЙ НОНИ



**Ҳамқишлоқлар**

Дастурхонга шу ернинг буғдойидан тайёрланган нон келтирилди. Қорамағиз нон шаҳардан келган меҳмонлар учун ҳавасак эди.

— Фарҳоджон, ўғлим, меҳмонларга ўзимизнинг сариёғдан олиб келгин, — дея ишора қилди Тошпўлат ака.

Тандирдан узилган иссиқ нон бағрига сариёғ секин сингиб кетди. Ана маззаю мана мазза. Шу нон бунёдкорлари шаънига эзгу тилаклар билдирилди. Тинчлик-осойишталик замонида буноннинг таъми ҳар қачонгидан тотли эканлиги шукроналик билан эътироф этилди. Сўлим табиат қучоғида бамисоли бир оила фарзандларидек маслакдош дўстларнинг даврасида ажиб бир файз намоён эди. Шундай манзарага гувоҳ бўлишнинг ўзини бахт дейиш мумкин.

— Деҳқончилик қандай бўляпти? — сўраймиз хонадон соҳибидан.

— Э, меҳмонжонлар, бу йил Худо берди, кўкламда ёққан ёмғир барака келтирди. Энди ҳосилни сариштa қилиб олсак — марра бизники.

— Эл-улуснинг кайфияти қандай? — қизиқсиниб сўраймиз.

— Шу гапимдан билмадингизми? Баракали баҳор туфайли ем-хашак мўл бўлди. Моли тўқнинг кўнгли тўқ, дейишади-ку. Катта-катта ерларга нўхат экканлар ҳам хурсанд.

— Ҳаво яхши келган бўлса, лалми ерлар центнери юқори белгиландими?

— Ие, Президентимизнинг Андижон вилоятида фермерлар билан суҳбатларини эшитмадингизми? Мен учун, энг муҳими, халқимнинг дастурхони тўкин бўлсин дедилар-ку?! Лалми ерга буғдой экиш — таваккал иш. Осмондан тушса — насиба бор. Ахир қурғоқчилик йиллари уруғликка куйиб қолган пайтларимиз ҳам бўлди. Қани эди, ҳамма ҳам Юртбошимиздек фермерга жони ачиса.

— Фермерлар ичида ўз нафсини ўйлаганлар йўқ дейсизми? — луқма ташлади ҳамроҳимиз Деҳқонбой ака.

— Беш қўл баравар эмас. Лекин фермер йиллар тажрибаси натижасида умумий ҳаракатга қўшилиб боряпти. Беш йиллик фермер икки йиллик фермердан фарқ қилади. Бу йил биринчи марта иш бошлаган фермер қандай қадам қўйишни билмай қолиши мумкин. Шунча ер — шунча бойлик сенга топширилгандан кейин унинг жавоби ҳам бўлиши керак. Ишончим комил, яна бир неча қовун пишиғидан кейин ҳамма ўз ишини билиб қилаверади.

Суҳбатимиз қишлоқларда қурилаётган уй-жойлар мавзуига келиб тақалди. Тошпўлат ака бу гапни кутиб турган эканми, очилиб кетди.

— Ҳой, менга қаранглар, пул топган билан уни ишлатишни ҳам билиш керак. Минг кишига ош берган билан барака топасизми? Одам бу дунёга яшаш учун келади. Яхши умр кечириш учун ҳамма имкониятлар бадастир бўлган уй керак. Президентимиз ҳар сафар уқтирадиларки, кўп йилларга чидайдиган мустаҳкам, пишиқ ғиштли, қулайликларга эга уй қуринг деб. Рост-да, нега қишлоқда яшаган одам жўмракдан иссиқ сув тушадиган шароитни фақат хаёлда тасаввур этиши керак?! Ўзи жамики ризқ-рўзни қишлоқда етиштирсак, ҳузурини ҳам кўрайлик-да.

— Мана, Президентимиз икки ҳафта ичида бир нечта вилоятларда бўлиб, оддий одамлар билан суҳбат қурдилар, — деди Тошпўлат ака ҳаяжон билан. — Мен бу учрашувларни берилиб томоша қилдим. Аммо-лекин Тошкентдаги телевизорчиларга битта гапимни айтиб қўйинглар: нега айрим кўрсатувларни қайта-қайта кўрсатишадию, Юртбошимиз билан бўлган мулоқотларни фақат бир марта намойиш қилишади? Кеча қўшнимдан шу кўрсатувни кўрдингизми, деб сўрасам, охирини кўриб қолдим, дейди армон қилгандай. Майли, бу гапни йўл-йўлакай айтдим. Шу суҳбатларни ичига кириб кетгудай томоша қиламиз. Президент оддий одамларнинг фикрларини жон қулоғи билан тинглайди. Айниқса, фермерлар қандай шароитда ишлаётгани, қандай вазиятда турмуш кечираётгани у кишини қаттиқ қизиқтиради. Сабабини биласизларми? Бутун эл-юртни тўйдирадиган, кийинтирадиган шу фермерлар. Яқин йилларда жаҳонгашта мулкдорларга айланадиган фермерлар айнан шу инсоннинг меҳрибончилиги, ғамхўрлиги остида улғайишяпти. Шунинг учун Президентимиз туну кун шуларнинг ташвишини ўйлайдилар. Фермер қандай нафас оляпти, кўнглида нима гап — булар билан бутун жамият қизиқса, сизлар ҳам ўйласаларингиз, умумий иш юришади. Фақат ўзим бўлай деган фермер, сув юзига чиққан пўкак каби ўз-ўзидан ажраб қолаверади.

Икки-уч йиллик муддатдан кейин бу жойларга келиб жуда кўп ўзгаришларни сездик. Эндиликда Бахмалнинг энг овлоқ сойлари ҳам, тоғ-тошлар орти ҳам уяли телефон алоқаси билан қамралган. Туман марказий шифохонасида яратилган шарт-шароит, ярақлаган бинолар, шинам хоналар, ноёб тиббий жиҳозлар ҳар қандай шаҳри азим аҳолисининг ҳавасини келтиради. Шифохона эшигидан қадам қўйган бемор ҳам илиқ муносабат, ажойиб муҳитдан дардини унутса, ҳеч гап эмас. Бугунги кунда туманнинг жуда кўп мавзеларида тадбиркорлар ташаббуси билан аҳоли турмуш даражасини яхшилайдиган замонавий инфратузилмалар барпо этилмоқда. Бунёдкорлик нуқталари халқнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, янада шижоат билан ишлашга ундамоқда.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув ресурслари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация 27 июнь куни пойтахтимизда янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюрди.***

Меҳмонлар Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирар экан, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг амалдаги ифодаси эканлиги таъкидланди.

Афғонистон делегацияси аъзолари Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонасида ҳам бўлиб, муқаддас Қуръоннинг ноёб қўлёзмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур китобни кўздан кечирдилар.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қадимий обида ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тиклаш ва таъмирлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли хайрли ишлар таҳсинга лойиқдир, — деди Муҳаммад Исмоилхон. — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани мамлакатингизда бой маънавий ва маданий меросни ўрганиш ва ривожлантириш борасида қилинаётган самарали ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**


**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



Махсулот сертификатланган

***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

**Манзил: 700005, Тошкент ш., Мирobод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**

155R/2377


***Деҳқон тили билан айтганда, республикамиз вилоятларида ғаллага ўроқ тушганига анча бўлди. Ҳозирги кунда эса жараён қизғин давом этмоқда. Маълумотларга қараганда, мавсумни муваффақиятли ўтказишга қаратилган барча ташкилий чора-тадбирлар олдиндан пухта ўйланиб, оқилона тузилгани боис ўрим-йиғим суръати тобора ошмоқда. Бунда, айниқса, техника воситалари ҳар томонлама мукаммал тайёрланганлиги, барча ишчи кучлари сафарбар этилганлиги, мавсум иштирокчилари яхши кайфият билан ишлаётганликлари ғалла хирмонининг жадал юксалишида асосий омил бўлмоқда.***

***Мутахассисларнинг эътироф этишларига қараганда, бу йил аксарият майдонларда ҳосилдорлик ҳам, доннинг сифат кўрсаткичлари ҳам ҳар қачонгидан юқори. Кўпчилик бундай муваффақиятнинг асосий сабабини кўкламнинг серёғин, яъни ғаллачилик учун анча қулай келганлиги билан изоҳламоқда. Бу тўғри, албатта. Бироқ ғалла ҳосилининг мўл ва сифатли бўлиши, ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан жадал бораётганининг яна бир қатор омиллари борки, шулар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтиш жоиздир.***

## «Пахтабанк»:

# ФЕРМЕРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Гап республика тижорат банклари, хусусан, «Пахтабанк»нинг ғаллачилик тармоғини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшаётган амалий ҳиссаси ҳақида бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда «Пахтабанк» нафақат ўрим-йиғим мавсуми, балки ерни дон экишга тайёрлашдан бошлаб, барча зарур агротехника тадбирларини ўз вақтида ва мукаммал амалга оширишда дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ҳамда фаолияти шу тармоқ билан бевосита боғлиқ барча ташкилотларга молиявий ёрдам бериб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида, айниқса, банкнинг барча вилоят ва туман бўлимлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хомашёси ва бошоқли донни етиштириш харажатлари учун зарур бўладиган кредит маблағларини вақтида ва керакли миқдорда етказиб бериш қатъий анъанага айланди. Жумладан, 2007 йилги ғалла ҳосили учун жами 57 миллиард 365 миллион 433 минг сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағлар фаолияти ғаллачилик тармоғи билан бевосита боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда оқилона ва самарали тасарруф этилмоқда. Банк ажратган маблағнинг асосий қисми, яъни 24 миллиард 259 миллион 617 минг сўми кимёвий ўғитларни харид қилиш, 14 миллиард 525 миллион 138 минг сўми ёнилғи-мойлаш ашёлари харажатларига йўналтирилгани шундан далолат беради.

Харажатларни қоплаш учун кредит маблағлари бериш ва уларнинг белгиланган мақсадларга ишлатилишини таъминлашда экинларни кимёвий ва биологик усулда ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, кимёвий ҳимоя воситалари учун 1 миллиард сўмдан зиёд, биолабораторияларнинг эҳтиёжлари учун эса 271 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

«Пахтабанк»нинг жойларда биолабораториялар тармоғини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари икки-уч томонлама фойда келтирмоқда. Биринчидан, фермер хўжаликларини қимматбаҳо кимёвий дориларни харид қилиш, яъни ортиқча чиқимлардан халос этмоқда. Иккинчидан, экологик вазиятнинг соғломлашувига, учинчидан, ҳосилнинг мўл ҳамда сифатли бўлишига ҳисса қўшмоқда. Бошқача айтганда, кейинги йилларда республикамизда самарали ишлаб турган биолабораториялар сони сезиларли даражада кўпайган экан, бунда «Пахтабанк»нинг хизмати ҳам каттадир.

Сўнгги йилларда, шунингдек, ғалла ва умуман, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш харажатлари учун бериладиган кредит маблағларини тақсимлашда дала меҳнаткашларига иш ҳақи сифатида маълум суммани ажратишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2007 йилги ғалла ҳосилини етиштириш учун ҳозиргача 2 миллиард 824 миллион 838 минг сўм ажратилди.

Маълумки, банк томонидан ғалла ҳосилини етиштиришга бериладиган кредит маблағларини жойларга вақтида ва керакли миқдорда етказиш бирмунча мураккаб вазифа бўлиб, у кенг кўламли ташкилий чора-тадбирларни талаб этади. Бироқ, жорий йилги жараён шуни кўрсатдики, бу борада ҳеч қандай қийинчилик ёки бирор муаммо юз бермаяпти. Гап шундаки, банк кўрсатилаётган асосий хизмат турларини мижозлар фаолият юритаётган ҳудудларга бевосита яқинлаштириш ҳаракатини тез ва изчил давом эттирмоқда. Шу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, «Пахтабанк»нинг мини банклари бугунги кунга келиб, қарийб 700 тага етди. Эндиликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар вакиллари вилоят ёки туман марказларига қатнаб, вақтни бекор ўтказмайдилар, ишдан қолмайдилар, энг муҳими, хотиржам ҳолда асосий юмушлари билан шуғулланадилар.

Яна бир янгилик шуки, кейинги

**Молия муассасаларида**

пайтда мавсумий жараёнлар, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ғалла ўрими ва пахта йиғим-терими бошланганда далада меҳнат қилаётганларнинг иш ҳақларига тўланадиган нақд пулларни жойлардаги ана шу мини банклар ходимларининг ўзлари бевосита олиб бориб бермоқдалар. Бундай қулайлик ҳосил йиғими мавсумини қисқа муддатларда якунлаш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик имконини бермоқда.

«Пахтабанк»нинг жойлардаги филиалларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга мавсумий харажатлар учун кредит маблағлари бериш пухта йўлга қўйилгани ҳам бу йилги ғалла ҳосилининг мўл ва сифатли бўлишига хизмат қилди, десак, муболаға бўлмайди. Чиндан ҳам, мутахассисларнинг фикрига кўра, жорий йилда республика бўйича 1 миллион 290 минг гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирилди. Жойларда ўтказилган тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, умумий дон хирмони 5 миллион тоннадан ҳам ошиб кетиши кутилмоқда.

Айни кунларда республика ғаллазорларида донни тўкиб-сочмай, юқори унум билан ўрадиган 2774 та комбайн ишлатилмоқда. Бундан ташқари мавжуд 1969 та оддий комбайн ҳам ўрим-йиғимга сафарбар этилган. Айниқса, «Доминатор-130» русумли комбайнлар ишлаш суръати ва сифати жиҳатидан ғаллакорларга жуда манзур бўлмоқда.



Айтиш керакки, ғаллазорларда бир вақтнинг ўзида шунча комбайннинг юксак унум билан ишлашида ҳам «Пахтабанк»нинг хизмати катта. Чунки, банк қишлоқ хўжалик корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ҳар йили зарур техника воситаларини харид қилишлари учун етарли миқдорда кредит ажратишни йўлга қўйган. Бу бежиз эмас. Хабарингиз бор, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кейинги йилларда ҳам ташкилий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламай қолган ширкат хўжаликларини тугатиш, уларнинг ўрнида янги фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёни муваффақиятли якунланди. Қишлоқ хўжалиги оборотидаги барча ерлар мустақил фермер хўжаликлари тасарруфига ўтди, яъни ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Шу муносабат билан соҳада ишдан бўшаган аҳолининг муайян қисми хизмат кўрсатиш тармоқларида фойдали меҳнат билан банд бўлмоқда. Бинобарин, эндиликда қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланган фермер хўжаликлари фаолиятини етарли миқдордаги техника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, «Пахтабанк» қишлоқ хўжалик корхоналарининг техникага бўлган талаб ва эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида керакли миқдорда кредитлар ажратмоқда. Натижада фермер хўжаликлари, «Ўзагромашсервис»га қарашли ва янги ташкил этилган муқобил машина-трактор парклари зарур техника воситаларини харид қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Фақат шу йилнинг ўзида «Пахтабанк» томонидан қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун ажратилган кредитлар қарийб 55 миллиард сўмга етди. Бошқача айтганда, бу йил банк кредитлари ҳисобидан жами 2226 та турли русумдаги техника воситалари харид қилинди.

Айни чоғда йил бошидан буён деҳқончиликда ҳар куни қўлланиладиган кўплаб янги чопиқ тракторлари келтирилди. Жумладан, 439 та «ТТЗ-80», 163 та «МТЗ-80» ва 37 та бошқа русумдаги чопиқ тракторлари банк кредитлари ёрдамида сотиб олинди. Шунингдек, 43 та «Т-4А», 46 та «ВТ-150» ва 31 та бошқа русумдаги ҳайдов тракторлари ўз эгаларига топширилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналари имконият даражасида дон ва чигит экиш сеялкалари, культиватор, «ОВХ» пуркагичлари каби керакли техникалар билан ҳам таъминланди.

Ғалла ўрим-йиғими мавсумининг ўзига хос мураккаб ва масъулиятли жиҳати шундаки, пишиб етилган дон ўз вақтида, қисқа муддатда саранжомлаб олинмаса, унинг бир қисми чатнаб, тўкилиб нобуд бўлади. Бунга йўл қўймасликнинг асосий шартларидан бири комбайнларни иложи борича кўпайтириш ва уларнинг қувватидан тўлиқ фойдаланишдир.

Бу масала ҳам «Пахтабанк»нинг эътиборида турибди. Шуни ҳисобга олиб, бу йил қишлоқ хўжалик корхоналарига энг замонавий, юксак унум билан ишлайдиган комбайнлар сотиб олишларига молиявий ёрдам кўрсатилгани, жами 122 та «Доминатор-130» русумли комбайнлар олиб берилгани, бундан ташқари яна 40 таси лизинг усулида харид қилингани бунинг исботидир.

Дарвоқе, «Пахтабанк» қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашда лизинг усулидан тобора кенгроқ фойдаланмоқда. Чунончи, республика бўйича жами 734 та қишлоқ хўжалик корхонасига шу усулда қарийб 14,3 миллиард сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди. Шундан 7 миллиард 260 миллион сўми фермер хўжаликлари улушига тўғри келди.

Ўрим-йиғим мавсуми қизғин паллага кирган айни кунларда «Пахтабанк»нинг жойлардаги барча бўлинмалари ходимлари давлат эҳтиёжлари учун дон топшириш шартнома мажбуриятлари муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Дон комбайнлари операторлари, юк транспортлари ҳайдовчилари ва мавсумга жалб этилган барча ишчи-хизматчиларга вақтида ҳақ тўлаб борилмоқда. Бунда банкнинг барча бўлинмаларида тузилган махсус ишчи гуруҳлари фаоллик кўрсатмоқдалар.

**«Пахтабанк»нинг маркетинг, реклама ва матбуот хизмати бўлими.** t

*Ҳаётимизда қувончли воқеалар кўп бўлади. Биринчи қадам, биринчи синф, биринчи севги... Яна шундай онлар ҳам бўладики, у бизга ғурур ва ифтихор бахш этиб, етуклигимиз дебочаси сифатида қалбимизга муҳрланади.*





# ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДИМАН

Пойтахтимизнинг Сергели туманида истиқомат қилувчи бир гуруҳ ёшлар бугун ана шундай унутилмас кунлар оғушидалар. Гап шундаки, мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби бу ерда ҳам 16 ёшга тўлган фуқароларга паспорт топшириш маросимлари тантанали равишда ўтказилмоқда. Туман ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимидан маълум қилишларича, бу йил 156 нафар фуқаро паспорт олиш ниятида ариза билан мурожаат қилган.

— Ҳозирга қадар уларнинг барчаси Ўзбекистоннинг яшил паспортини қўлга киритди, — дейди бўлим бошлиғи, милиция майори Дилором Жалимова. — Биз ёш фуқароларимизга паспорт топшириш маросимларини иложи бўлса, тантанали равишда ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Маҳалла оқсоқоллари, ўқитувчилар, гузар кайвонилари, эл-юрт ардоғидаги инсонлар иштирокидаги ҳар бир тадбиримиз байрамга айланиб кетмоқда. Зотан, шу юрт фуқароси, шу эл фарзанди бўлиш ифтихоридан ортиқроқ саодат борми?!

— Жудаям ҳаяжондаман, — дейди туманнинг Чоштепа маҳалласида истиқомат қилувчи Зайнабхон Исҳоқова. — Бу биз ёшларга қувонч ва ғурур бағишлаш билан бирга ўзимизга, эртанги кунимизга ишончимизни ҳам оширади. Айниқса, паспортнинг сўнгги бетидаги "Ушбу паспортнинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидадир" деган жумлаларни ўқиб, қалбим янада фахрга тўлди.

**СУРАТЛАРДА: туманнинг Чоштепа маҳалласида жойлашган 224-милиция таянч пунктида бўлиб ўтган паспорт топшириш тадбиридан лавҳа.**

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**Т. ҚУРБОНБОЕВ (суратлар),**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

# ОҒУ ЁҚИБ ЮБОРИЛДИ

***БМТнинг Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш конвенциясига аъзо давлатлар қабул қилган резолюцияга мувофиқ, 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни сифатида нишонланади.***

Пойтахтимизда шу муносабат билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда бу соҳада халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига эътибор қаратилиб, мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани алоҳида таъкидланди. Гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича давлат тизими шаклланган. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида наркобизнесга қарши курашувчи хизматлар фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида ўтган йили кўп миқдорда наркотик моддалар айланишининг олди олинди. "Қорадори" операцияси туфайли 2,58 гектар майдондаги оғу йўқ қилинди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати томонидан махсус тадбир ташкил этилди. Қўлга олинган 772 килограмм наркотик моддалар ёқиб юборилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

IPOTEKA BANK
IPOTEKA BANK




**"ШОДИЁНА-2" омонати**
3 ойлик муддатга қабул қилиниб,
1-ой учун йиллик - 22 %,
2-ой учун йиллик - 23 %,
3-ой учун йиллик 24 % миқдорида даромад тўланади.

Маълумот учун телефонлар:
(8-371) 150-89-56,
(8-371) 150-89-58.

Сизнинг омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Хизматлар лицензияланган.

## *Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда!*

# БУНДА ЁШЛАР ТОПАДИ КАМОЛ

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кўп қиррали таълим тизимига янги атамаларнигина эмас, тубдан янги нафасни ҳам олиб кирди. Буни мамлакатимиздаги бошқа ўқув даргоҳлари қатори Нукус Политехника касб-ҳунар коллежи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Истиқлол шарофати билан ривожланиб бораётган Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти энг янги технологияларни, модернизация жараёнини чуқур эгаллаб олган ўрта малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириши лозим. Бу борада Нукус Политехника коллежининг алоҳида ўрни бор. Мазкур коллеж 1999 йилнинг 15 ноябрида ташкил этилди. Шундан буён ўтган даврда ёшларга касб ўргатиш борасида туб бурилишга эришилди. Биринчи навбатда коллеж замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-услубий қуроллар, кўргазмали воситалар, ахборот технологиялари ва компьютер билан жиҳозланди. 25 та умумтаълим, 15 та махсус фан хоналари, 4 та лаборатория, 8 та ишлаб чиқариш устахонаси шакллантирилди. 9-синфни битирган ёшлар ўзлари танлаб олган мутахассислик ва 2-3 та ишчи-касб малака кўникмаларини эгаллайди. Политехника коллежида ишчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Кичик мутахассисларни тайёрлашда эса Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос табиий, географик ва демографик шарт-шароитлари ҳамда мутахассисларга бўлган маҳаллий талаб, эҳтиёжлар ҳисобга олинмоқда. Ўқувчиларга берилаётган политехника таълими коллежнинг Жанубий Корея, Япония ва Польша давлатлари гранти асосида жиҳозланган ўқув аудиториялари ва устахоналарида олиб борилмоқда. Бу мақсадлар учун 1 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг буйруғига биноан мамлакатимиз бўйича 9 та илғор касб-ҳунар коллежида Япония ҳукуматининг JICA лойиҳаси асосида 16 йўналиш бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари таъсис этилган эди. Ана шу 9 та коллеждан бири Нукус Политехника коллежидир. Ва унинг ҳузурида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталарининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш минтақавий маркази очилди. Бу марказда минтақа касб-ҳунар коллежларининг мураббийлари ўз йўналишларида янги билим ва технологияларни эгаллайдилар. Аниқроқ қилиб айтганда, коллежда «Металларга ишлов бериш» ва «Кавшарлаш» йўналишидаги мураббий ва усталарнинг малакаси оширилади. Бунинг учун янги лойиҳа асосида 20 та замонавий дастгоҳ «Металларга ишлов бериш» ихтисослигида, 17 та ускуна «Кавшарлаш» ихтисослигида ўрнатилиб, жами 46 та янги технология механизмларидан фойдаланилмоқда. Кечагина Корея ва Япониянинг қулай, ихчам, аммо мураккаб ускуналарини фақат телевизор орқали кўрган маҳаллий мураббийлар бугун янги педагогик технологияларни пухта ўзлаштирмоқдалар.

Коллежда 12 та янги замон ихтисослигини 1206 нафар йигит ва қизлар эгалламоқда. Уларга 103 муаллим, 31 нафар ишлаб чиқариш устаси касб-ҳунар сирларини ўргатмоқда. Иккинчидан, бу ерда наинки коллеж, балки бошқа касбу ҳунар масканларининг мураббийлари юқорида таъкидланган 2 йўналишда малака оширмоқдалар. Учинчидан, коллеж қошида «Роҳат» кичик корхонаси ташкил этилган бўлиб, йилнинг ўтган даврида у мижозларга 410 минг сўм ўрнига 910 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатди. Бу ерда тикувчилик цехи, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш маскани, нон ва кондитер шохобчаси ҳам бор.

— Бугунги шиддатли замон талабларига жавоб берувчи мутахассисларни тайёрлаш борасида муайян ишлар қилмоқдамиз, — дейди коллеж директори Эсенгелди Кўшжонов. — Мақсадимиз мутахассисларни ялпи тайёрлаб бериш эмас, уларнинг эртага мамлакатни модернизация қилишда фаол қатнашишини, малакали меҳнат билан шуғулланишини таъминлашдан иборат. Бу борадаги фаолиятимизни янада такомиллаштириб бораверамиз!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«ГеоМакс»** корхонаси Ўзбекистоннинг гўштни қайта ишлаш маҳсулотлари бозорида 1995 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Корхонамизнинг асосий мақсади гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари хомашёси ва гўштни қайта ишлаш ускуналари билан таъминлашдир. Биз Ўзбекистон Республикасининг энг йирик ишлаб чиқарувчилари билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз.

Гўштни қайта ишлаш учун қуйидаги ускуналар етказиб берилади: гўшт қиймалагичлар, куттерлар, термотутун камералари, вакуум қадоқлагичлар, вакуум массажёрлари, муз ишлаб чиқарувчи ва сархил гўштларни инъекция қилувчи ускуналар, сосиска ва сарделькалар ишлаб чиқариш линиялари.

GeoMax

КОЛБАСА ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНЛАРИ




Биз тижоратингизни муваффақиятли, ишлаб чиқаришингизни унумли қиламиз!

- Тайёрланган колбаса ва пишлоқ маҳсулотларини қадоқлашда ишлатиладиган ўрамни рангли флексографик босмадан чиқариш.
- Ёпишадиган этикеткалар ишлаб чиқариш.
- Музқаймоқ ишлаб чиқариш учун таркибий қисмлар ва стабилизаторлар.
- Қандолат маҳсулотлари: соя лицетинлари, агар, пектин, озиқ-овқат кислоталари, ванилин, эссенция ва ароматизаторлар.
- Колбаса, сосиска ва сарделькалар тайёрлашда ишлатиладиган ўрамалар, колбаса учун табиий ичаклар, пишлоқ ва колбаса маҳсулотларини вакуумли қадоқлаш учун пакетлар.
- Турли хил гўшт хомашёси ва ярим тайёр маҳсулотлар: товуқ ва курка қиймаси, курка териси, чўчқа шишки.
- Колбаса, сосиска, сарделька ва гўшт маҳсулотларига таъм ва маза берувчи зираворлар, соя оқсили, соя изоляти ва озиқ-овқат фосфатлари.
- Колбаса, сосиска, сарделька ва дудланган сархил гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
- Алкоголсиз ичимликлар, пиво ишлаб чиқариш учун $CO^2$ карбонат ангидрид гази.
- Каррагинан ва сув кўтарувчи қўшимчалар.
- Сосиска ва сарделькалар учун полиомид ўрамлар.
- Турли хил пишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сутни ачитиш препаратлари, мол гўшти учун пепсин ва таркибида ширдон суви бўлган фермент.
- **Шунингдек, ишлаб чиқарувчиларга технологик ёрдам ва сервис хизмати кўрсатамиз.**

**Телефонлар:**
**8-(998-71)-117-44-92, 8-(998-71)-117-45-78,**
**8-(998-71)-117-44-97, 8-(998-71)-117-45-79,**
**8-(998-90)-175-31-10, 8-(998-90)-176-80-37, 8-(998-90)-317-31-78.**
**Факс: 8-(998-71)-117-40-24.**

*Маҳсулот сертификатланган.*

# МАКТАБ ПАРТАСИДАН — СПОРТ МАЙДОНЛАРИГА

***Мана, уч йилдирки, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан "Ёзги таътил" спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.***

— Табиийки, барча ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларига бориб ҳордиқ чиқариш имконияти йўқ, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси матбуот котиби Анвар Мурсакулов. — Шуни ҳисобга олиб, оромгоҳларга бормайдиган ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун спорт мусобақалари уюштириш йўлга қўйилди. Ўтган 2006 йилда ўтказилган "Ёзги таътил" мусобақаларида бир ярим миллион нафарга яқин бола қатнашганди. Бу йил иштирокчилар сони янада кўпайиши кутилмоқда. Ҳозир жамғарма томонидан қурилган спорт мажмуаларида "Ёзги таътил — 2007" мусобақаларини юқори савияда ўтказиш учун барча зарур чоралар кўрилди. Бу ишда бизга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари яқиндан ёрдам бермоқда. Умуман, мактабларнинг спорт заллари, майдончалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг секциялари ва алоҳида барпо этилган иншоотлар ёз ойи давомида болалар учун очиқ бўлади.

## «Ёзги таътил—2007»

"Ёзги таътил — 2007" мусобақалари уч босқичда ўтказилади. Ёш спортчилар дастлаб маҳалла, сўнгра туман ва вилоят босқичларида беллашадилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**




Тел.: 215-89-89,
215-83-38. Кафолат — 2 йил.
Маҳсулот сертификатланган.
EURO2008 HYUNDAI Official Partner www.hyundai-motor.com

